

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА АХБОРОТ ЖАМИЯТИНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ

С. Чориев – ф.ф.д., проф. (ҚарДУ)

Фан ва техниканинг қудратли тараққиёти, унинг натижасида юзага келган глобаллашув жараёни XX аср охирига келиб Ғарбда ахборот жамиятининг қарор топишига олиб келди. Ҳозирги замон Ғарб цивилизацияси тараққиётининг бугунги босқичида ахборот оддий маълумот ёки билим эмас, балки у ёхуд бу системани бошқариш имконини берадиган миқдорий меъёр, шунингдек стратегик ва геополитик ресурсга айланди. Масалан, ҳозирги даврда АҚШ ялпи ички маҳсулотининг 40 фоизи ахборот ишлаб чиқариш соҳасига тўғри келади. Бундай тараққиёт, “Майкрософт” корпорацияси президенти Б. Гейтснинг фикрига кўра, хўжалик фаолиятининг оқилона ташкил этилишига ва охир-оқибатда кишилар турмуш даражасининг ўсишига олиб келди. Айнан ахборот Ғарб мамлакатларининг цивилизацияон тараққиётнинг олдинги сафларида бўлишларини таъминламоқда.

Ғарбдаги ахборот жамиятининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат бўлмоқда:

- замонавий ахборот технологияларининг ишлаб чиқарилаётгани, фаолият кўрсатаётгани ва ҳаммабплиги;
- жамият аъзолари ва ижтимоий гуруҳлар учун исталган вақтда ва исталган жойда зарурий ахборот ва билимларни олиш имкониятларининг мавжудлиги;
- тараққий этган, миллий ахборот ресурсларини яратишга қодир бўлган инфраструктураларнинг, илмий-технологик ва ижтимоий-тарихий жараёнларни жадаллаштириш учун зарур бўлган ҳажмдаги ахборотларнинг тўпланганлиги;
- бошқарув ва ишлаб чиқариш соҳаларининг жадаллик билан автоматлаштирилаётгани ва роботлаштирилаётгани;

– ижтимоий таркибларнинг кескин ўзгараётгани ва бунинг оқибатида ахборот узатиш фаолияти ва хизматларининг кенгаяётгани;

– меҳнат самарадорлиги ошиб бораётган бир шароитда ишлаб чиқаришнинг анъанавий тармоқларида банд бўлган кишилар сонининг камаяётгани.

Бугунги кунда ҳам ривожланган Ғарб давлатлари ахборот жамиятини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор бермоқдалар. Ҳатто бу борада мамлакатларнинг тегишли стратегик дастурлари тайёрланган. Масалан, кўҳна китъанинг 27 мамлакатини бирлаштирган Европа Иттифоқида 1994 йилдаёқ бу борада махсус ҳаракат режаси ишлаб чиқилган.

Бироқ ахборот жамиятининг қарор топиши турли салбий тенденцияларнинг юзага келишига ҳам сабаб бўлди. Ана шундай тенденциялардан бирини ахборот уруши билан боғлаш мумкин. Ўз ғаразли мақсадларини рўёбга чиқаришга интилаётган сиёсий кучлар ахборот технологияларнинг мислсиз ривожини ва ахборотлар оламидаги вазиятдан ҳам пухта фойдаланмоқдалар. Бизнинг давримизга келиб, ахборот у ёки бу гуруҳнинг манфаатларини ифодаловчи, шу манфаатларни амалга ошириш учун реал шарт-шароит яратувчи кучга айланди. Ана шундай шарт-шароитни яратишга қаратилган ахборот уруш икки йўналишда олиб борилмоқда:

Биринчидан. Жаҳонда содир бўлган ҳар қандай сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ёки маънавий-маданий воқеа маълум сиёсий кучларнинг манфаатлари контекстида ёритилмоқда. Бунга реал имкониятлар ҳам мавжуд: ахборот оламида ривожланган мамлакатларнинг қўли баланд келиб тургани, аксарият ахборот узатиш воситалари уларнинг қўлида эканлиги ҳақида биз гапириб ўтдик. Агар воқеа шу сиёсий кучларнинг манфаатларига мос тушса, бу оламшумул воқеа сифатида ёритилади. Ахборотни етказиш учун журналистлар миллий, диний ёхуд ирқий мансублигига қараб танланади. Масалан, ўзбек аудиторияси учун миллати ўзбек бўлган (афсуски!) кимсалар телерадиостанциялар, таҳририятларга жамланади. Фикрларнинг ишонарли бўлиши учун “номдор” аналитик олимлар, Ғарб оламида эътибор қозонган жамоат ва дав-

лат арбоблари ва шу кабилар чақирилади. Марказий Осиёда АҚШ ҳарбий базаларининг вужудга келиши худди шундай тарзда ёритилганлигини бир эслайлик. Борди-ю, ижтимоий воқеа маълум сиёсий гуруҳнинг манфаатларига мос тушмаса, ёки уни бошқа ахборотлар соясида қолдириб кетишга уринилади, ёки инсоният цивилизациясига хавф солиб турган жараён, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилиши сифатида шарҳланади. Ижтимоий вазиятни ўз манфаатларига мос тарзда ўзгартира олмагач, Андижондаги машъум воқеаларни Фарбдаги айрим сиёсий кучлар шундай шарҳлаган эдилар.

Иккинчидан. Негатив ахборотларни тарқатишнинг кучайиб бораётгани кишини хушёр торттиради. Жаҳон аҳлини бетакрор овози билан хушнуд этиб келаётган Дмитрий Хворостовский ёхуд ўзбек кўшиқчилик санъатининг дарғаси Шерали Жўраевнинг бирор бир концерти, Нобель мукофоти лауреати Жорес Алферовнинг илм аҳлини ҳайратга солган бирор бир маърузаси хотирдан фаромуш бўлиши мумкинки, қайси бир мамлакатнинг қайси бир чекка қишлоғида кичкина бир автобуснинг тўнтарилиши барча телеканаллардан намойиш этилиши тайин. Ахир, гап инсон ҳаёти хусусида бормоқда, унга эътиборсизлик гуноҳ, дейишимиз мумкин. Бу тўғри, албатта. Бироқ кўплаб бунёдкорлик ҳаракатлари эътибордан четда қолдирилиб, нуқул негатив ахборотга диққат жамланишни қандай тушунмоқ керак? Россия телеканалларидаги ахборот дастурлар кунига 302 та негатив маълумотни эълон қилаётгани бундай ахборотга қизиқиш тенденция даражасига кўтарилаётганидан далолат беради.

Бир қарашда бунинг Ўзбекистонимизга даҳли йўқдек туюлади. Гап шундаки, ахборот технологиялари шиддат билан ривожланиб бормоқда. Чунончи, 1665 йилда 10 та, 1800 йилда 100 та, 1850 йилда 1000 та, 1900 йилда 10 мингта, 1960 йилда 100 мингта журнал нашр қилинди. XX аср ниҳоясига келиб уларнинг сони 1 миллионга яқинлашди. Нашр этилаётган газеталар сони эса 2006 йилда 11494 тага етди. Бизнинг давримизда спутник антенналарининг маиший турмушга кириб келиши, Интернет тармоғининг ривожланиши ахборот узатиш имкониятларини бир неча баробарга мукамаллаштирди

ва тезлаштирди. Бугунги кунда, Президентимиз таъкидлаганидек, “ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда”. Бундай шароитда негатив ахборот қайси ҳудуддан тарқатилмасин, бутун жаҳон аҳлини пессимистик кайфиятга туширади, ғайриинсоний ғояларнинг тарқатилишига хизмат қилади, кишиларни бунёдкорлик ишларидан чалғитади.